

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ШАМСИЕВА ЗУЛФИЯ ИЛХОМЖОН ҚИЗИ**

**СЕМИЗЛИК КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА  
ҲОМИЛАДОРЛИК ВАТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шамсиева Зулфия Илхомжон қизи**

Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш..... 3

**Шамсиева Зулфия Илхомжон қизи**

Разработка тактики ведения беременности и родов у беременных с ожирением ..... 23

**Shamsieva Zulfiya Ilhomjon qizi**

Development of tactics pregnancy and childbirth in obese pregnant women..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ШАМСИЕВА ЗУЛФИЯ ИЛХОМЖОН ҚИЗИ**

**СЕМИЗЛИК КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА  
ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШ  
ТАКТИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2PhD/Tib1126 рақами билан рўйхатга олинган**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юсупбаев Рустем Базарбаевич</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ешимбетова Гульсара Закировна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Катгаходжаева Махмуда Хамдамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент педиатрия тиббиёт институти</b>


Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 5 » август кuni соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132А-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [obs-gyn@mail.ru](mailto:obs-gyn@mail.ru)).


Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида танишиш мумкин ( -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек кўчаси, 132А-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [obs-gyn@mail.ru](mailto:obs-gyn@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
**Д.А.Алиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
**М.М.Файзираҳманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биология фанлари номзоди

  
**Ф.М.Аюпова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Семизлик замонавий жамиятнинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоси бўлиб, унинг долзарблиги семизликнинг кенг тарқалиши билан белгиланади “... дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари аҳолисининг 25% дан кўпи нормадан 15% ортиқча тана вазнига эга”<sup>1</sup>. Шуниси эътиборга лойиқки, аёллар орасида семизлик частотаси 30 дан 40% гача, репродуктив ёшдаги аёлларнинг катта қисмини ташкил этади. Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг 12 хафтасигача ўз-ўзидан ҳомиладорлик тўхтаб қолиш хавфи нормал тана вазнига эга аёлларга қараганда деярли 2 баравар юқоридир, ҳомила ўлимининг частотаси, ҳомила нуқсонлари ривожланиши, туғилишдаги шикастланишлар, шу жумладан елка дистотцияси ва ўмров суяги синиши, шунингдек болалар ҳаётининг биринчи йилида ўлим даражаси кўпаяди.

Жаҳонда семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларнинг олдини олиш чора-тадбирларининг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Семизлик кузатилган аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш, аёлларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолатини баҳолаш асосида жойларда кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда туғруқ жараёнинини ретроспектив таҳлил қилиш орқали, акушерлик асоратларини ва характерини, липид ва углевод алмашуви хусусиятларини ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини жаҳон стандартлари бўйича ривожлантириш юзасидан, жумладан, ҳомиладорлик даврида кузатиладиган касалликларини камайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ҳомиладорларда эндокрин тизим касалликларини, жумладан семизликни ташхислаш, даволашда ва перинатал асоратларнинг олдини олишда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларни камайтириш имконини беради.

<sup>1</sup>Maredia H., 2018

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПФ–2650–сон «Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887–сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» гикарорлари, ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳомиладорлик даврида семириб кетиш ҳомиладорлик кечиши асоратлари ва салбий перинатал асоратларнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Семизлик бир қатор касалликларни ривожланиши хавфини оширади: диабетнинг ривожланиши хавфи (нисбий хавф 2.1), юрак-қон томир касалликлари (нисбий хавф 1.47), саратон бўлмаган жигар касалликлари (нисбий хавф 1.82), саратон бўлмаган буйрак касаллиги (нисбий хавф 1.59) (Сагинова Е.А., Галлямов М.Г., Северова М.В., 2010, Панова Е.И., Мартышина О.В., Данилов В.А., 2013), шунингдек, ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб: семириб кетган аёлларда кўкрак ва эндометрий саратони, репродуктив дисфункциянинг ривожланиши хавфи юқоридир (Овсянникова Т.В., Боровкова Е.И., Шешукова Н.А., 2010; Боровкова Е.И., Макаров И.О., Байрамова М.А., 2011; Романцова Т.И., 2011; Берштейн Л. М., 2012). Шуниси эътиборга лойиқки, аёллар орасида семизлик частотаси 30 дан 40% гача, репродуктив ёшдаги аёлларнинг катта қисмини ташкил этади. (Branca F., Nikogosian H., Lobstein T., 2013). Ҳомиладорлик ва туғруқ натижалари асоратлари билан боғлиқ патогенетик жиҳатдан муҳим анормалликларни глутеофеморал семиришга эга ҳомиладор аёллар учун оқилона бошқариш тактикасини ишлаб чиқиш учун патогенетик боғлиқ бузилишлар аниқланган (Калинкина О.Б., 2013).

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларда семизликнинг профилактикасини такомиллаштириш (Рахимов Б.Б., 2016), метаболик синдром патогенезининг нейрогуморал механизми ва терапевтик коррекциялаш йўллари (Узбекова Н.Р., 2017), аёлларда менопаузадан олдинги ва кейинги даврда метаболик синдром ташхисига дифференциал ёндашиш (Мухамедова Н.Х., 2017), метаболик синдромнинг асосий компонентлари тоифаларига боғлиқ бўлган охирги нуқталар шаклланишини солиштирма баҳолаш (Каландарова У.А., 2020), перименопауза давридаги аёлларда даволаш-профилактика чора-

тадбирларини оптималлаштириш(Каюмова Д.Т.,2020) ва экзоген-конституционал семизликда фертил ёшдаги аёлларда репродуктив тизими бузилишларининг клиник-генетик жиҳатлари(Расулиева Т.А.,2020) бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу тадқиқотлар маълумотлари кўрсатишича, семизлик ва унинг асоратлари,асоратларнинг олдини олиш республикада кенг ўрганилмаган. Афсуски, шунга қарамадан ҳомиладорлик давридаги акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олишга доир масалалар етарли даражада ёритилмаган. Шундай қилиб, семизлик кузатилган аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш акушерлик амалиётида долзарб масала ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режалари АДСС 2.2. “Семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқдаги асоратларни прогнозлаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш” (2011–2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларини ретроспектив таҳлил қилиш орқали, акушерлик асоратлар кўрсаткичлари ва характерини аниқлаш;

семизлик кузатилган аёлларда липид алмашинуви хусусиятларини қиёсий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;

акушерлик асоратлари ривожланишида семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда цитокинлар ҳолати ва липид спектори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш учун семизликка эга ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** қилиб Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт институтида семизлик кузатилган ҳомиладор аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмет** сифатида 180та онадан биохимик ва иммунологик текширувлар учун қон зардоби олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-лаборатор, биохимик текширув, фетоплацентар тизимидопплерографияси, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг I триместрида липидлар метаболизми бузилиши ва яллиғланиш олди

цитокинларининг миқдорининг ошиши сабабли акушерлик асоратларга олиб келиши исботланган;

илк бор семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ацетилсалицил кислотаси 150мг миқдорда ҳомиладорликнинг I триместридан бошлаб берилиши акушерлик асоратларни 2 бараварга камайтиргани исботланган;

илк бор мамлакатимизда семизлик ташхиси қўйилган ҳомиладор аёлларда липид ва цитокин статусининг ўзгаришига қараб акушерлик хавф гуруҳлари ишлаб чиқилди;

илк бор семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларни эрта ташхислаш ва олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликдан олдин семизлик кузатилган аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг ривожланиши ҳомиладор аёлнинг биохимик кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланган;

ҳомиладор аёлларнинг қонида цитокин миқдорининг ошишини ва биохимик кўрсаткичлар ўртасида коррелятив боғлиқликаниқланган;

семизлик кузатилган аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда липид метабализмини ва цитокинлар ҳолатини ўрганиш акушерлик асоратларни эрта ташхислаш имконини бериш билан изоҳланди.

Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда фетоплацентар қон айланишининг бузилиши ва акушерлик асоратлар ривожланиш сабабларияллияланиш олди цитокинларининг миқдорининг ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида ошиши билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва пренатал асоратларнинг ривожланишининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларини прогнозлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20.01.2020 йил 8н-р/10 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аёлларда преэклампсия ва эрта репродуктив йўқотишларнинг олдини олишда самарали даволашнинг имкониятини берган;

семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига,



жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасининг, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт бирлашмасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-д/198-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тадқиқи семизлик кузатилган аёлларда преэклампсиянинг олдини олиш ва эрта ташхислаш чоратадбирларни ўтказиш тактикасини мувофиқлаштиришга ва тиббий ёрдамсифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, 5 боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи. Семизлик, унинг ҳомиладорлик даврида кечиши, туғруқ ва туғишдан кейинги даврга таъсири”** деб номланган биринчи бобида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, семизлик тарқалиши ва таснифи, акушерлик асоратларнинг шаклланишидаги роли, ҳомиладорлик даврида липид алмашинуви метаболизмига доир масалалар етарли даражада ёритилмаганлиги уқтирилади.

Диссертациянинг **“Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари ёритилган. Тадқиқотлар 2010 йилдан 2015 йилгача ЎзР ССВ «АЖ» Республика

акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказида (директор – профессор, д.м.н.Нажмутдинова Д.К.) бажарилган.

Диссертация ишининг биринчи босқичида РИАваГИАТМ семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда туғруқ ва унинг асоратларини ўрганиш мақсаотида ретроспектив таҳлил ўтказилган. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида, 180 ҳомиладор аёллар, улардан 120 нафари семизлик билан, клиник-статистик таҳлил қилинган. Тадқиқот гуруҳига киритилган 120 нафар семизликка эга ҳомиладорлар бирламчи кўриқдан ўтказилди, ташхис қўйиш, даволашни танлаш ва аёл ҳамда ҳомиланинг ҳолатини динамик кузатуви РИАваГИАТМ ва РИЭИАТМда ўтказилди. Скрининг босқичида турли генезли семизликка эга 347 ҳомиладорлар текширилди, аммо тадқиқотга танлашнинг диагностик мезонларига мос келадиган семиз аёллар (120 ҳомиладорлар) киритилди. Синчковлик билан ўтган ҳомиладорлар акушерлик анамнези (она қорнида ҳомила ўлими – ривожланмайдиган ҳомиладорлик, ўз-ўзидан бола ташлаш; илгариги ҳомиладорликда преэклампсия ва фетоплацентар етишмувчилик, туғруқ асоратлари бўлганлиги) ҳамда ҳомиладорлик якуни сўраб, суриштирилди. Жорий ҳомиладорликда ҳомиладорлик асоратлари, туғруқ асоратлари ҳамда липид спектр кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги, Апгар шкаласи бўйича янги туғилган чақалоқ ҳолати баҳоланди.

Бирламчи амбулатор кўриқ ўз ичига, шикоятлар, касаллик анамнези, клиник кўриқ ва қон инструментал-лаборатор таҳлилини олди.

Тадқиқот гуруҳига киритиш, беморларни танлаш киритиш/чиқариш мезонига мос равишда ўтказилди.

Киритиш мезонлари:

- I, II ва III даража семизликка эга ҳомиладор аёллар;
- спонтан юзага келган бир ҳомилали ҳомиладорлик;

Чиқариш мезонлари:

- кўп ҳомилали ҳомиладорлик;
- ёрдамчи репродуктив технологиялар қўллаш натижасида юзага келган ҳомиладорлик;
- нормал вазнли ҳомиладорлик.

Бу босқичда тадқиқотга 180 ҳомиладор киритилди. Асосий гуруҳни семизликка эга 120 ҳомиладор ташкил қилди. Назорат гуруҳини нормал тана вазнига эга 60 ҳомиладор ташкил қилди. Семизлик намоён бўлиши даражасига боғлиқ асосий гуруҳ беморлари 3 кичик гуруҳга киритилди:

1-кичик гуруҳ (n=60) - I даража семизлик (ТВИ 30-34,9);

2-кичик гуруҳ (n=30) - II даража семизлик (ТВИ 35-39,9);

3- кичик гуруҳ (n=30) - III даража семизлик (ТВИ $\geq$ 40).


Барча текширилган аёлларда синчковлик билан шикоятлар таҳлили, умумий кўриқ ва инструментал текширув ўтказилган. Клиник-лаборатор таҳлил: қон биокимёвий таҳлили, иммунологик текширувлар амалга оширилган. «Семизлик» ташхиси РИЭИАТМ да қўйилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда “Statistica for

Windows 7,0” персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг “**Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларни ретроспектив ва проспектив ўрганиш таҳлили**” деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг биринчи босқичиги n=347 семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларнинг ретроспектив таҳлили курсатилган.

Таҳлил натижаларига кўра, семизлик кузатилган аёлларда энг кўп учрайдиган ва ҳомиладорлик вақтида кузатиладиган соматик асоратлардан гипертензив ҳолатлар 65% ташкил этди (расм 1). Гестацион қандли диабет касаллиги 48%, варикоз касаллиги 34% ва сийдик йуллари касалликлари 29% ташкил қилди.



**1-расм. Семизлик кузатилган аёлларда соматик касалликлар таҳлили**

Акушерлик анамнези таҳлили кўрсатишича, асосий гуруҳдаги 30,8% аёлда ҳомилани кўтара олмаслик кузатилган, 15,3% да эрта бола ташлаш, 10% да кеч бола ташлаш, 50% да ривожланмайдиган ҳомиладорлик аниқланган. Ҳомиланинг она қорнида сурункали гипоксияси 81,7% ҳомиладорда кузатилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Текширилган ҳомиладорларнинг акушерлик анамнези**

Кўрсаткич	Ретроспектив таҳлил натижалари (n=347)	
	абс.	%
Ҳомилани кўтара олмаслик: улардан	107	30,8
Эрта ҳомила тушиш	53	15,3
Кеч ҳомила ташлаш	35	10,1
Ривожланмайдиган ҳомиладорлик	20	5,8
Ҳомила тушиш хавфи	167	48,1
Артифициал абортлар	49	14,1
Муддатидан аввал туғиш	12	3,45
Кам сувлик	17	4,8
Кўп сувлик	26	7,5
Кольпит	46	13,2
Ҳомиланинг ноаниқ ҳолати (фето плацентар етишмовчилик)	283	81,5
Йўлдош нуқсони	38	10,9

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра табиий йўл билан туғруқлар 17,3%, жаррохлик йули билан олиб борилган туғруқлар 82,7% ташкил қилди. Статистик ишончли фарқлар гуруҳларда назоратга нисбатан аниқланган ( $p < 0,05$ ). Бунда қайд қилиш лозимки, жаррохлик йули билан олиб борилган туғруқлар сони ТВИ га боғлиқ равишда ошади ва 82,7% га етиши мумкин. Бинобарин, оператив туғруқлар хавфи беморнинг ТВИ ошиши билан бевосита ошиб боради (жадвал 2).

**2-жадвал**

**Семизлик кузатилган аёлларда туғруқ усуллари**

Гуруҳлар	Туғруқни ҳал қилиш йўллари			
	Табиий йўл билан туғруқ		Жаррохлик туғруқ	
	абс	%	Абс	%
Ретроспектив таҳлил (n=347)	60	17,3%	287	82,7%

**Мазкур бобнинг“Клиник кўриқдан ўтказилган ҳомиладор аёлларнинг таҳлили (проспектив текширув натижалари”**деб номланган бўлимида проспектив текширув ўтказилган бўлиб, унга 180 нафар ҳомиладор аёл жалб қилинган. Асосий гуруҳ 120 нафар семизлик кузатилган ҳомиладор аёлдан иборат бўлди. Назорат гуруҳни нормал тана вазнига эга бўлган 60 нафар ҳомиладор аёл ташкил қилган.

Семизлик даражасига караб, асосий гуруҳ беморлари 3та кичик гуруҳларга ажратилган: 1 – кичик гуруҳни n=60та семизлик I даражаси (ТВИ 30-34,9), 2 - кичик гуруҳни n=30та семизлик II даража билан (ТВИ 35-39,9) ва 3- кичик гуруҳни n=30та семизлик III даража (ТВИ $\geq$ 40) аниқланган ҳомиладор аёллар ташкил қилган.

Тадқиқотга киритилган аёллар кузатуви, ҳомиладорликнинг I - триместридан бошланган. Ҳомиладор аёл ва туғруқдаги аёлнинг сўровномаси, анкета маълумотлари ва шахсий карта маълумотлари асосида (№... / у шакли) хаёт тарихи, соматик, гинекологик касалликлар ва репродуктив функциянинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тўпланган. Умумий клиник, инструментал, лаборатория ва акушерлик текширувлари ўтказилган.

Кейинги текширувлар ҳомиладорликнинг 22-24 ва 32-34 хафталарида амалга оширилди. 120 нафар аёлда аслда ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқ жараёни баҳоланган. Таҳлилда туғилиш тарихи (096/у шакли), янги туғилган чақалоқларнинг ривожланиш тарихи (097/у шакли) қўлланилган.

Текширув натижаларига кўра, асосий гуруҳ ҳомиладорлари ёши 18 дан 36 гача, ўртача  $29,7 \pm 2,1$  ёшни ташкил қилган. Назорат гуруҳ беморлари ёши 18 дан 30 ёшгача, ўртача  $29,3 \pm 3,4$  ёшни ташкил қилган(жадвал 3).

Барча гуруҳдаги беморларни ёш бўйича баҳолаганда текширилган ҳомиладорлар орасида фарқлар кузатилмаган. Барча текширишга киритилган аёллар фаол репродуктив ёшда бўлган, бунда уларнинг аксарияти 25-30 ёшда бўлган (45%).

### 3-жадвал

#### Семизликка эга ҳомиладор аёллар ёш аспекти

Гуруҳлар	<17 ёш		18-25 ёш		26-34 ёш		35 ёш ва ўндан катта		Ҳомиладорларнинг ўртача ёши
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	
Асосий гуруҳ (n=120)	0	0	58	48,3%	48	40%	14	11.7%	$29,7 \pm 2,1$
Назорат гуруҳ (n=60)	0	0	30	50%	18	30%	12	20%	$29,3 \pm 3,4$

Асосий гуруҳдаги паритетни ўрганиш кўрсатишича, биринчи

ҳомиладорлик -17,5 % ва кўп тукқанлар (3 ва кўп туғруқ) -7,5 %, қайта ҳомиладорлик (қайта тукқанлар) -39,2 % ва қайта ҳомиладорлик (биринчи туғиш) - 35,8% (4-жадвал).

#### 4- жадвал

##### Текширилган гуруҳларда ҳомиладорлик паритети

Гуруҳлар	Биринчи ҳомиладорлик	Қайта ҳомиладорлик (биринчи туғиш)	Қайта туғиш	Кўп тукқанлар (3 ва кўп туғруқ)
Асосий гуруҳ (n=120)	21(17,5%)	43(35,8%)	47(39,2%)	9(7,5%)
Назорат гуруҳ (n=60)	14(23,3%)	18(30%)	21(35%)	7(11,7%)

Наслий омилларни таҳлил қилганда шубҳасиз, эътиборни текширилган гуруҳлардаги оилавий семириш кузатилган. Айтиш лозимки, семиришга эга ҳомиладорларда кўпинча семизликнинг оилавий (наслий) анамнези устунлик қилган. Назорат гуруҳида ва I даражали семизлик кузатилган гуруҳида семизликни биринчи авлоддаги қариндошларда учраш частотаси бўйича сезиларли фарқ бўлмаган. Аммо II ва III даражали семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларнинг гуруҳларида яқин қариндошлар орасида семизлик (59 ва 70%) ишончли кўпроқ учраган.

Она ва ота авлоди томонидан семизлик бўйича сезиларли фарқ кузатилмаган. Яқин қариндошларида қандли диабет мавжудлиги ҳам баҳоланган. Айтиш жоизки, ушбу патологияни семизликка эга беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқлари ўрнатилган (5 жадвал). АГ биринчи навбатда яқин қариндошларда липид ва углевод алмашинувининг мавжудлигида нишон аъзо сифатида вариантлардан бири сифатида қаралиши мумкин.

#### 5-жадвал

##### Семизлик ва АГ ни яқин қариндошларда учраш частотаси

Омил	Гуруҳлар							
	I даражали семизлик n=60		II даражали семизлик n=30		III даражали семизлик n=30		Назорат гуруҳи n=60	
	абс	%	абс	%	Абс	%	Абс	%
Қариндошларда семириш	24	40	18	60*	21	70*	15	25
Қариндошларда АГ	34	56,7	25	83,3*	27	90*	27	45

Изоҳ: \* - фарқларнинг статистик аҳамияти даражаси ( $p < 0,05$ )

Ҳомиладорлар паритетини баҳолаш ҳомиладорликни кўтара олмаслик, гестация кеч муддатлари асоратлари, патологик ва оператив туғруқ хавфини излаш имкони билан бирга ўтказилган. Жадвалда (6-жадвал) қайд қилинишича, семириш билан беморлар кўпинча ҳомиладорлик юзага келиши муаммоси билан дуч келишган. (бепуштлик – II даражали семизлик кузатилган аёлларда 30%).

#### 6-жадвал

#### Текширилган аёллар анамнезида репродуктив функция ва унинг бузилиши бўйича маълумотлар


Ҳомиладорлик яқуни	Назорат гуруҳи, n=60		I даражали семизлик, n= 60		II даражали семизлик, n=30		III даражали семизлик, n= 30	
	абс	%	абс	%	абс	%	Абс	%
Ўз вақтидаги туғруқлар	53	88,3	48	80	19	63,3	22 ?	73,3
Вақтидан илгари туғруқ	-	-	9	15	8	26,7	9 ?	30
Тиббий кўрсатма бўйича аборт	-	-	-	-	1	3,33	2	6,66
Ўз-ўзидан бола ташлаш	6	10	11	18,3 *	6	20 *	7	23,3 *
Сунъий абортлар	5	8,33	12	20 *	7	23,3 *	9	30 *
Жаъми ҳомиладорлик	64	100,0	80	100,0	41	100,0	49	100,0
I беморга ҳомиладорлик	2,85		2,88		2,68		2,7	

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончли (\* -  $P < 0,05$ );

Шундай қилиб, барча аёлларда ушбу ҳомиладорлик мустақил бўлиб, унинг текширувдан чиқариш мезонларидан бири индуцирланган ҳомиладорлик бўлган. Ҳомиладор бўлмаганлар улуши текширилган гуруҳларда 8-30%, қайта туққанларда – 35-39%, қайта ҳомиладор биринчи туққанларда – 30 -35,8%. Бунда ўрганилган ҳомиладорликкача гуруҳлар ўтказилган абортлар кўрсаткичлари бўйича статистик таққосланадиган бўлди ( $p < 0,05$ ). Эрта муддатларда ҳомиладорлик йўқотилиши ҳолатларини баҳолашда гуруҳлар таққосланган ( $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг “**Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобидасемизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик даври хусусиятларини ўрганиш амалга оширилган. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида эрта токсикоз энг кўп учрайдиган асоратлардан бири ҳисобланган. Асосий гуруҳда бу асорат назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан (36 ва 12%) 2,5 маротаба кўпроқ қайд этилган. Кичик гуруҳларда эрта токсикоз қайд этилган ҳомиладор аёлларнинг 50% да семизлик III даражаси, семизлик I даражаси бор аёлларнинг 31% да ва семизлик II даражаси кузатилган аёлларнинг 33% да ташхисланган (расм 2). Назорат

гурухига қараганда, ҳомила тушиш хавфи семизлик кузатилган аёлларда 10 баравар кўп бўлган (28,3 ва 2% га мос равишда), шу билан бирга, унинг қайд этиш сони прогрессив, аммо ишончсиз равишда 1-гуруҳдан 3-гуруҳгача ўсиб борди (25%, 30% ва 33,3% га мос равишда). Симптомсиз бактериурия билан ифодаланган сийдик йўллари инфекциялари эса фақат асосий гуруҳнинг семизлик III даражаси кузатилган аёлларда аниқланган (16,6%).



## 2-расм. Семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорликнинг I триместрида кузатилган асоратлар

Ҳомиладорликнинг III триместрида жиддий асоратлардан бири преэклампсия бўлди, унинг аниқланиш сони асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларга ҳос ва семизлик даражаси юқори аёлларда кўпроқ кузатилган (29,1%, 69% ва 89% мос равишда) (жадвал 7).

7-жадвал

## Семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорликнинг 3 триместрида кузатилган асоратлар


Нозология	I даражали семизлик n= 60	II даражали семизлик n=30	III даражали семизлик n= 30	Назорат гуруҳи n=60
Преэклампсия	17 (29,1%)*	21 (69%)*	27 (89%)*	-
ФПЕ	9 (15%)*	16 (53,3%)*	30 (100%)*	2 (3,33%)

Изоҳ: \*p <0,05 назорат гуруҳиганисбатан аниқ статистик фарқи;

ФПЕ ҳам фақат асосий гуруҳ беморларида ташҳисланган. Шу нарсани таъкидлаш жойизки, ҳомиладор аёл вази ортиб бориши билан, ФПЕ ҳам кўпроқ кузатилган. Бизнинг кузатувимизда бўлган, семизлик III даражаси аниқланган аёлларда бу кўрсаткич 100%га етди. 1- ва 2- кичик гуруҳларни солиштирганда, 3- кичик гуруҳда гестацион пиелонефрит 5 баравар (16%) кўпроқ ва сийдик йўллари инфекциялари (ўткир цистит, симптомсиз бактериурия) 4 баравар кўпроқ (13%) кузатилган.



Семизлик I даражаси кузатилган аёлларда ушбу асорат 35% ҳолатда, семизлик II даражаси кузатилган аёлларда эса 36,7% ҳолатда, семизлик III даражаси кузатилган аёлларда 60% ҳолатда аниқланди. Ҳомила тушиш хавфи I ва II даражали семизлик кузатилган ҳар бир 3- аёлда (31 ва 33%), ва III даражали семизлик кузатилган ҳар бир 2- аёлдан биттасида (50%) ташхисланди.



**3-расм. Семизлик кузатилган аёлларда III триместрда кузатилган акушерлик асоратлар**

Юқори ва пастки сийдик йўллари инфекциялари III даражали семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорлик кечишини кўпроқ ҳаққоний асоратланди (23% қарши 11% ҳолат 1-кичик гуруҳда ва 16% 2-кичик гуруҳда). САГ деярли барча асосий гуруҳининг кичик гуруҳларида кузатилди, аммо статистик жиҳатдан сезиларли даражада II ва III кичик гуруҳларда (мос равишда 55% ва 57%) кузатилди (расм 3).

Олинган маълумотлар нормал тана вазнига эга бўлган аёлларга қараганда семизлик кузатилган аёлларда ҳомиладорлик асоратларининг ривожланиши юқори эканлигини кўрсатган. Шундай қилиб, бизнинг изланишлар шуни кўрсатдики, семизлик бу ҳомиладорлик кечишига ўта салбий таъсир кўрсатувчи патология бўлиб, у ҳомиладорлик вақтида, у асосан преэклампсия, ФПЕ, ГҚД асоратларига олиб келган. Бундан ташқари, ҳомиладорлик кечиши асоратлари энг юқори кўрсаткичлари семизликнинг III триместрида кузатилган.

Мазкур бобнинг “Семизликга эга аёлларда ҳомиладор бўлмаган ва ҳомиладорлик пайтида гемостаз тизимининг ҳолати” деб номланган бўлимида ҳомиладор бўлмасдан гемостаз тизимининг қон томир-тромбоцитлари ва коагуляцион ҳолатни ўрганиш ва олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш натижасида ҳомиладор бўлмасдан олдин аллақачон семириб кетган аёлларда гемостаз ва тромбоцитлар фаолиятининг гиперактивлиги коагуляцион тизимда гиперкоагуляция мавжуд деган хулосага келиш мумкин (8 жадвал).

Биринчи триместрда семизликга эга ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари ҳомиладорликнинг физиологик кечиши ва нормал тана вазнига эга бўлган аёллардан сезиларли даражада фарқ қилади (8-жадвал). Семизликга эга аёлларда ҳомиладорлик бошланганидан гемостазнинг қон томир-тромбоцитлар тизимидаги ўзгаришлар қайд этилган. Шундай қилиб, ушбу гуруҳда соғлом ҳомиладор аёлларга нисбатан қонда тромбоцитлар сонининг сезиларли даражада пасайиши қайд этилди ( $214,2 \pm 8,7 \times 10^9$  /л ва  $261,5 \pm 12,6 \times 10^9$  /л, мос равишда,  $P < 0,01$ ). Биринчи триместрда семизликга эга ҳомиладор аёлларда тромбоцитлар агрегацияси фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлган ( $116,6 \pm 3,4$  ва  $105,0 \pm 4,8 \times 10^9$  /л, мос равишда  $P < 0,05$ ).

#### 8-жадвал

### I триместрда семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари

Гемостаз кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	I триместрда семизлик кузатилган ҳомиладор аёллар
Қонда тромбоцитлар сони, $\times 10^9$ /л	261,5 $\pm$ 12,6	214,2 $\pm$ 8,7
Шиша ойнада тромбоцитлар агрегацияси	105,0 $\pm$ 4,8	116,6 $\pm$ 3,4
Активлаштирилган парциалтромбин вақти (АПТВ), сек	37,5 $\pm$ 1,1	32,6 $\pm$ 1,3
Протромбин вақти (ПТВ), сек	15,8 $\pm$ 0,2	16,0 $\pm$ 0,2
Фибриноген концентрацияси, г/л	2,6 $\pm$ 0,2	3,4 $\pm$ 0,1
Активлаштирилган рекальцификация вақти (АРВ), сек.	55,3 $\pm$ 0,3	49,2 $\pm$ 0,3
Эрийдиган фибрин-мономер комплекси (ЭФМК), мг/100 мл	2,2 $\pm$ 0,06	3,8 $\pm$ 0,2

Изох: \* - назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда ишончли (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида семизликга эга аёлларда гемостазнинг коагуляцион тизими кўрсаткичлари ҳам назорат гуруҳи билан таққослаганда ўзгаради. АПТВни ўрганаётганда биз асосий гуруҳда унинг  $32,6 \pm 1,3$  сек га, назорат гуруҳи билан таққослаганда -  $37,5 \pm 1,1$  сек га қисқаришини ( $P < 0,01$ ) аниқладик. Тадқиқот гуруҳларида протромбин вақтининг кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмади. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида семиз аёлларда фибриноген концентрациясининг назорат гуруҳидаги бир хил кўрсаткичга нисбатан ўсиши кузатилди (мос равишда  $3,4 \pm 0,1$  ва  $2,6 \pm 0,2$  г/л,  $P < 0,05$ ).

I триместрда семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда АРВ кўрсаткичи

-  $49,2 \pm 0,3$  сек га, назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларга қараганда -  $55,3 \pm 0,3$  сек қисқарган ( $P < 0,001$ ).

Қонни активлаштирилган маркерларни ўрганаётганда ЭФМК нинг сезиларли ошиши қайд этилди - асосий гуруҳда  $3,8 \pm 0,2$  мг/100 мл, назорат гуруҳи билан таққослаганда -  $2,18 \pm 0,1$  мг/100 мл ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимиз давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳомиладорликнинг I триместридан бошлаб семириб кетган аёлларда ўртача гиперкоагуляция мавжуд бўлиб, бу ҳомиладорлик даври учун хос эмас, тромбоцитлар функциясини фаоллашиши, АПТВ, АРВ нинг қисқариши ва ҳомиладорлик даврида сақланиб турадиган фибриноген концентрациясининг ўсиши.

Семизликга эга ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимини ўрганиш натижаларини таққослаш, ҳомиладорликнинг ўсиши билан гиперкоагуляция тенденцияси сақланиб қолади деган хулосага келишимизга имкон берган.

II триместрда семизликга эга ҳомиладор аёлларда гемостазнинг бошланғич ҳолатини назорат гуруҳига нисбатан ўрганиш шуни кўрсатдики, тромбоцитлар агрегацияси фаоллигининг ошиши билан бирга ( $117,8 \pm 3,1 \times 10^9$ /л) ( $P < 0,05$ ), кўпроқ АПТВ нинг  $29,6 \pm 0,8$  сек ( $P < 0,001$ ), гача қисқариши, АРВ нинг  $45,6 \pm 1,3$  сек ( $P < 0,001$ ), гача қисқариши, гиперфибриногенемия ва эрувчан фибрин –мономеркомплексларнинг (ЭФМК) ошиши  $5,68 \pm 0,34$  мг/100 мл ( $P < 0,05$ ) гача бўлган (9-жадвал).

#### 9-жадвал

#### II триместрда текширилган семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда гемостаз индексларининг ҳолати

Гемостаз кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	II триместрда семизлик кузатилган ҳомиладор аёллар
Қонда тромбоцитлар сони, $\times 10^9$ /л	$208,8 \pm 8,4$	$192,1 \pm 8,3$
Шиша ойнада тромбоцитлар агрегацияси	$106,0 \pm 4,8$	$117,8 \pm 3,1$
Активлаштирилган парциалтромбин вақти (АПТВ), сек	$37,3 \pm 1,4$	$29,6 \pm 0,8$
Протромбин вақти (ПТВ), сек	$15,3 \pm 0,27$	$15,8 \pm 0,1$
Фибриноген концентрацияси, г/л	$3,3 \pm 0,16$	$3,6 \pm 0,1$
Активлаштирилган рекальцификация вақти (АРВ), сек.	$52,4 \pm 0,3$	$45,6 \pm 1,3$
Эрийдиган фибрин-мономер комплекси (ЭФМК), мг/100 мл	$2,92 \pm 0,15$	$5,68 \pm 0,34$

Изох: \* - назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда нчли (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Гемостаз индексларининг бу ҳолати тромбоцитлар гиперактивлиги ва гемостазнинг коагуляцион звенолари билан ажралиб турадиган гиперкоагуляция деб қаралади, бу эса тарқалган қон томир ичи синдроми ривожланиши учун қулай фон ҳисобланади.

II триместрда текширилган ҳомиладор аёлларда томир ичидаги қон ивишининг тўғридан-тўғри диагностик мезонлари ЭФМК аниқлаш тестлари бўлган.

III триместрда семизликга эга ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимининг плазмаси ва тромбоцитлари занжирларининг энг муҳим кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган.

#### 10-жадвал

### III триместрда семиз ҳомиладор аёлларда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари

Гемостаз кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	III триместрда семизлик кузатилган ҳомиладор аёллар
Қонда тромбоцитлар сони, $\times 10^9/\text{л}$	193,5 $\pm$ 8,7	182,8 $\pm$ 6,1
Шиша ойнада тромбоцитлар агрегацияси	99,8 $\pm$ 3,3	114,3 $\pm$ 3,1
Активлаштирилган парциалтромбин вақти (АПТВ), сек	35,0 $\pm$ 2,1	27,5 $\pm$ 1,2
Протромбин вақти (ПТВ), сек	14,2 $\pm$ 0,5	15,6 $\pm$ 0,2
Фибриноген концентрацияси, г/л	3,5 $\pm$ 0,17	3,9 $\pm$ 0,1
Активлаштирилган рекальцификация вақти (АРВ), сек.	51,2 $\pm$ 0,2	44,7 $\pm$ 0,6
Эрийдиган фибрин-мономер комплекси (ЭФМК), мг/100 мл	2,98 $\pm$ 0,08	6,4 $\pm$ 0,3

Изох: \* - назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда ишончли (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

10-жадвалдан кўриниб турибдики, семириб кетган ҳомиладор аёлларда тромбоцитлар агрегацияси фаоллиги сезиларли даражада юқори - 114,3 $\pm$ 3,1, назорат гуруҳига нисбатан - 99,8 $\pm$ 3,3 ( $P < 0,05$ ). Семизлик кузатилган ҳомиладорлар гуруҳдаги тромбоцитлар сони 182,8 $\pm$ 6,1 $\times 10^9/\text{л}$ , назорат гуруҳида - 193,5 $\pm$ 8,7  $\times 10^9/\text{л}$  ( $P < 0,05$ ).

Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларда АПТВ назорат гуруҳига нисбатан 27,5 $\pm$ 1,2 сек гача қисқарган - 35,0 $\pm$ 2,07 сек ( $P < 0,01$ ). Семизликга эга ҳомиладор аёлларда ПТВ 15,6 $\pm$ 0,2 сек ни ташкил этди ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан -14,2 $\pm$ 0,53 сек ( $P < 0,01$ )дан сезиларли даражада фарқ қилган. Фибриноген концентрацияси - қон ивишининг асосий субстрати - семиз ҳомиладор аёлларда бироз юқорироқ 3,9 $\pm$ 0,1 г/л, физиологик ҳомиладорлиги

ва нормал вазни бўлган аёлларга қараганда -  $3,5 \pm 0,17$  г/л. III триместрда семириб кетган ҳомиладор аёлларда АРВнинг статистик жиҳатдан муҳим қисқариши аниқланди  $44,7 \pm 0,6$  сек – назорат гуруҳига нисбатан  $51,2 \pm 0,2$  сек ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, учинчи триместрда семизликга эга ҳомиладор аёлларда қон ивиш тизимида I ва II триместрларда аниқланган тенденциялар сақланиб қолади: фибриноген даражаси ҳомиладорликнинг физиологик даврига нисбатан бир оз юқори, АПТВ ва АРВкўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан қисқарган. Тромбоцитлар гиперфункцияси ҳам мавжуд, бу тромбоцитлар агрегацияси фаоллигининг ошишида ифодаланади.

Асетилсалицил кислотасидан фойдаланган ҳолда олиб борилган терапия натижасида бачадон-ҳонила-плацента мажмуаси томирларининг барча даражаларида қон оқими тезлигининг эгри чизиғи кўрсаткичларидаги динамик ўзгаришлар яхшиланди ва ушбу каналдаги муҳим ижобий гемодинамикани аниқ акс эттирди. Маълумотлар 11-жадвалда акс эттирилган.

### 11-жадвал

#### Семизлик кузатилган I-триместрдаги ҳомиладор аёлларнинг липид спектри кўрсаткичлари.

Липид спектри 9ммоль/ л	Назорат гуруҳи (n=60)	Семизликкузатилган асетил салицил кислотаси қабулқилмаган аёллар n=37	Семизликкузатилган асетил салицил кислотаси қабулқилгандан кейин n=34
Умумий холестерин	$4,91 \pm 0,01$	$6,49 \pm 0,95$	$5,23 \pm 0,54^*$
ПЗЛП	$2,57 \pm 0,03$	$4,55 \pm 0,69$	$3,53 \pm 0,61^*$
ЮЗЛП	$1,48 \pm 0,03$	$1,13 \pm 0,12$	$0,82 \pm 0,12^*$
ТГ	$1,61 \pm 0,02$	$2,67 \pm 0,64$	$1,95 \pm 0,47^*$
АК	$2,32 \pm 0,03$	$5,45 \pm 1,95$	$4,90 \pm 0,8^*$

Изох: \*- $p < 0,05$ ; гуруҳлар орасидаги аниқ статистик фарқи

Шундай қилиб, ҳомиладорликнинг биринчи триместридан 150 мг дозада асетилсалицил кислотасини узоқ муддат қабул қилиш гемостазиологик параметрларни барқарорлаштиришга имкон беради ва шу билан семизликга эга аёлларда ҳомиладорлик даври асоратлари сонини камайтиради. Асетилсалицил кислотасини истеъмол қилмаган семизликга эга ҳомиладор аёлларда спонтан ҳонила тушишлар 2та аёлда 9-10 хафтада кузатилди, 13-14 хафтада 2та аёлда, 18 хафтада битта беморда ва 14 ва 16 хафтада ривожланмаган ҳомиладорлик икки беморда аниқланди. Биринчи

триместрдан ацетилсалицил кислотасини қабул қилган семизликга эга ҳомиладор аёлларнинг кичик гуруҳида 12-13 хафтада 2 та аёлда ўз-ўзидан тушиш содир бўлди.

Ацетилсалицил кислотасини олмаган семизликга эга ҳомиладор аёлларда (32,4%) эрта туғилиш содир бўлган.

Асетилсалицил кислотасини қабул қилган семизликга эга ҳомиладор аёлларнинг кичик гуруҳида, муддатидан олдин туғилиш амниотик суюқликнинг муддатидан олдин кетиши натижасида ҳомиладорликнинг 34-36 хафталигида 5 (14,7%) ҳомиладор аёлда содир бўлди.

Тадқиқот натижаларимизни сарҳисоб қилсак, семизликга эга аёлларга ҳомиладорликнинг биринчи триместрдан бошлаб 150 мг дозада ацетилсалицил кислотасининг умумий терапиясини киритиш ҳомиладорликни узайтиришга ва ҳаётга чидамлироқ ҳомила туғилишига, шунингдек, акушерлик ва перинатал асоратларни камайитиришга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

1. Ретроспектив тадқиқотлар шуни кўрсатдики, семизлик кўзатилган аёллар сони 2010-2012 йиллар давомида 2,5 бараварга ошган ва умумий туғуқларнинг 12,5% ташкил қилган. Семизлик кузатилган ҳомиладор аёллар презклампсиянинг ривожланиши бўйича, (нисбий ортиши 0,47, ИЭ 95%), ҳомила ўсишининг чегараланиш синдроми 26,4%, муддатдан олдин туғуқлар (10%), ҳомиланинг антенатал ўлими (6,8%) кўринишидаги турли хил асоратларга олиб келади.

2. Онанинг қонида триглицеридлар миқдорининг ошиши ва яллиғланиш олди цитокинларининг ошиши ўртасида туғри коррелиатив боғлиқлик борлиги исботланди. Яллиғланиш олди цитокинларининг ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ортиши ҳомила тушиш хавфининг ошишига сабаб бўлгинлиги аниқланди. Семизлик кўзатилган ҳомиладор аёлларда, ҳомиладорлик даврида ТВИ ва триглицеридларнинг миқдорининг хаддан ташқари ошган аёлларда акушерлик асоратларнинг 3 баравар кўпроқ учраши аниқланди ( $p < 0,05$ ).

3. Семириб кетган ҳомиладор аёлларни мониторинг қилиш алгоритми триглицеридлар, ПЗЛП ва интерлейкинлар каби муҳим маркерлар асосида ишлаб чиқилди ва уларнинг ПЭ ва ФПЕ, ХЎЧС каби асоратларни ривожланишида уларнинг юқори прогностик ўзига хослиги 73% ва сезгирлиги 86% аниқланди.

4. Биринчи триместрдан 150мг дозада ацетилсалицил кислотаси препаратлари берилган комплекс даво ҳомиладорлик даврида кузатилган асоратларни 2,3 баравар камайишига олиб келди.

5. Семизлик кузатилган ҳомиладор аёлларни ишлаб чиқилган алгоритм бўйича олиб бориш ҳомиладорликнинг яхши кечишига, яъни ПЭ частотасининг 26% га, ФПЕ32% га ва ХЎЧСнинг 11% га камайиши олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ АКУШЕРСТВА И ГИНЕКОЛОГИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР АКУШЕРСТВА И  
ГИНЕКОЛОГИИ**

**ШАМСИЕВА ЗУЛФИЯ ИЛХОМЖОН КИЗИ**

**РАЗРАБОТКА ТАКТИКИ ВЕДЕНИЯ БЕРЕМЕННОСТИ И  
РОДОВ У БЕРЕМЕННЫХ С ОЖИРЕНИЕМ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА (PhD) ФИЛОСОФИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/Tib1126

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** Юсупбаев Рустем Базарбаевич  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** Ешимбетова Гульсара Закировна  
доктор медицинских наук, профессор

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна  
доктор медицинских наук, профессор


**Ведущая организация:** Ташкентский педиатрический медицинский институт


Защита состоится «5» августа 2021г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии. По адресу: 100124, г.Ташкент, Мирза-Улугбекский район, улица Мирза-Улугбек, дом 132А. (Тел./факс: (+99871) 263-33-14; e-mail: obs-gyn@mail.ru)


С диссертацией можно ознакомиться в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 100140, г.Ташкент, Миза-Улугбекский район, улица Мирза-Улугбек, дом 132А. Тел./факс: (+99871)-2667821.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).



  
Д.А.Алиева  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

  
М.М. Файзырахманова  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, кандидат биологических наук

  
Ф.М.Аюпова  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Ожирение - медицинская, социальная и экономическая проблема современного общества, актуальность которой определяется его распространенностью, «...так как более 25% населения экономически развитых стран мира имеют избыточный вес на 15%...»<sup>1</sup>. Надо отметить, что частота ожирения среди женщин репродуктивного возраста колеблется от 30 до 40%. Одним из основных направлений научных исследований сегодня является изучение специфики беременности у беременных с ожирением.

Во всем мире проводится ряд исследований по разработке тактики ведения беременности и родов у беременных с ожирением. В связи с этим актуальной проблемой является ретроспективный анализа процесса родов у беременных с ожирением установить частоту и характер акушерских осложнений, доказать особенности липидно-углеводного обмена у женщин с ожирением.

